

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент тиббиёт академияси  
ректори Л.Н. Туйчиев



Тошкент тиббиёт академияси 2019-2020 ўқув йилида ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш, меҳнат ва ижро интизомини кучайтириш ва коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар режаси.  
(ТТАнинг 2019 йил 23 сентябрдаги кенгайтирилган даволаш ва Илмий кенгашида тасдиқланган).

№	Тадбирнинг номи	Маъсуллар	Ўтказиладиган муддати
1.	Академия ва факультетларнинг Илмий Кенгашида, ректорат йиғилиши кун тартибида доимий равишда ижтимоий-маънавий муҳит ва коррупцияга қарши курашиш масаласини муҳофаза қилиб бориш.	Ректор, проректорлар, деканлар	хар ойда
2.	Барча раҳбар ходимлар (ректор, проректорлар, деканлар) бўлимларига тегишли ходимлар билан ижтимоий маънавий муҳитни янада яхшилаш, коррупцияга қарши кураш ишларни кучайтириш.	Ректор, проректорлар, деканлар, кафедра мудирлари	Йил давомида
3	Ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш ва коррупцияга қарши курашишда ТТАда фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик Кенгаши ва жамоат ташкилотларининг мавқеини ошириш, улар томонидан доимий иш олиб бориш, сўровномалар ўтказиш, академия раҳбариятига аниқ таклифлар киритиш, ходимлар ва талабалар билан давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказиш.	Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор, жамоатчилик кенгаши раиси, касаба уюшмаси раҳбари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, ёшлар иттифоқи етакчиси.	Йил давомида
4	Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида семинарлар ташкил этиш, “ <b>Ҳуқуқий саводхонликни ошириш ойлиги</b> ”ни ўтказиш.	Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими, деканлар, ижтимоий фанлар кафедраси мудирлари	Декабр ойи
5	Жамият ривожига тўсқинлик қилаётган миллатчилик, маҳаллийчилик, таниш билишчиликга йўл қўймаслик,	Ректор, проректорлар, ТТА клиникаси директори,	Йил давомида

	миллатлараро тотувлик ғояларини кенг тарғиб қилишга эришиш, профессор-ўқитувчилар, клиника шифокорлари, талаба-ёшлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш.	деканлар, кафедра мудирлари	
6	Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусни амалга оширишда академиянинг алоҳида намуна кўрсатишини таъминлаш.	Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими, факультет деканлари, кафедра мудирлари	Йил давомида
7	Талаба ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарбиянинг замонавий усулларини жорий этиш: Талабанинг хронометрожи, “Устозим – ҳаётим чироғи”, “Тиббиётнинг барҳаёт сиймолари”, “Келинг Ватанимизга қанот бўлайлик”, “Менинг орзуим”, “Маҳаллам менинг ғурурим”, “Оилам – фаҳрим мавзуларда танловлар ўтказиш.	Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими, факультет деканлари,	Йил давомида, режа асосида
8	Профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортга эътиборни кучайтириш	Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими, факультет деканлари,	Йил давомида, режа асосида
9	Барча факультетлар ва курслар кесимида коррупцияга қарши кураш, фирибгарлик қилишини олдини олиш борасидаги давра суҳбатлари ўтказиш, тушунтириш ишлари олиб бориш.	Проректорлар, деканлар	Йил давомида
10	ТГАдаги ижтимоий-маънавий муҳит, меҳнат интизоми, дарсларни ташкил қилиниш сифати ва таъмагирлик ҳолати бўйича сўровномалар ўтказиш, таҳлил натижаси асосида тегишли чоралар ишлаб чиқиш.	Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими, ИН бўлими, факультет деканлари ва уларнинг ўринбосарлари	Хар семестр якунида
11	Академиянинг <a href="http://tma.uz">tma.uz</a> сайтида “Коррупцияга қарши кураш” саҳифасини яратиш. Доимий равишда коррупцияни олдини олишга қаратилган ҳужжатлар, ўтказилган тадбирлар, қонун бузилиш ҳолатлари тўғрисида маълумотлар билан бойитиб бориш.	Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими	доимий
12	Кафедра мудирлари томонидан ҳар бир ўқув циклининг бошида, дарсликнинг биринчи қисмида кафедрада таъмагирликка қарши кураш		Ўқув йили бошида ва ҳар



	бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш ва ЯН ўтгандан кейин ўз кафедрасида дарсларни ташкил қилиниш, дарс сифати ва таъмағирлик ҳолати бўйича сўровнома ўтказиш ва талабаларнинг фикрларини ўрганиш.	Кафедра мудирлари, фан бўйича масъуллар	бир цикл бошида йил давомида
13	Кафедрада ва унга тегишли барча фанларда талабаларга китоб, рисола, диск ва бошқа нарсалар сотиши, оқ қоғоз, краска олиб келиш, баннер ясашишни буюриш таъқиқлаш ва бундай ўқитувчиларга чоралар кўриш.	Кафедра мудирлари, фан бўйича масъуллар, факультет деканлари, декан муовинлари	Йил давомида
14	Талабалар даволатини қатъий назорат қилиб бориш. Дарсга келмаган талабаларга ўз вақтида чораларни белгилаш.	Ўқув ишлар бўйича проректор, факультет деканлари, кафедра мудирлари	Йил давомида
15	Оралик назорат, жорий назорат, ОСКЕ, тест имтихонлари натижаларини ҳар бир фан бўйича ўрганиб бориш ва бошқа фанлар билан солиштириш, таҳлил қилиш, талабаларни билимини объектив баҳолашга эришиш.	Ўқув ишлар бўйича проректор, факультет деканлари	Йил давомида
16	Талабалар томонидан профессор-ўқитувчиларга пора таклиф қилинганда академия раҳбарияти (ректор, проректор, деканларга) оғзаки ва ёзма мурожаат қилиниши лозим.	Кафедра мудирлари, профессор ўқитувчилар	Лозим бўлганда
17	Академия раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар орасида 1- курсга қабул имтихонларига аралашини олдини олиш мақсадида курашиш (йиғилишлар ўтказиш, абитуриентлар учун эслатмалар яратиш).	Ректор, ёшлар билан ишлаш бўйича проректор	Доимий равишда, қабул ойлари олдида
18	Қабул ҳайъати томонидан академия раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчиларни талабалар сафига қайта тиклаш жараёнини адолатли ўтказиш, фирибгар ва таъмағирларга учмаслик ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш ва қабул комиссияси аъзоларидан кафолат талаб этиш (йиғилишлар ўтказиш, абитуриентлар учун эслатмалар яратиш).	Ректор, қабул ҳайъати масъул котиби, ўқув ишлар бўйича проректор, деканлар	Май-Август ойлари
19	Домий равишда ГТА клиникаларининг шифокорлари ҳамда даволаш-текшириш ишларида иштирок этадиган профессор-ўқитувчилар орасида таъмағирлик ҳолларини олдини олиш	ГТА ректори, проректорлар, ГТА кўп тармокли клиника бош шифокори, кафедра	Ҳар ойда пайшанба кунлари

	мақсадида ҳуқуқ тарғибот органлари вакиллари билан учрашувлар ҳамда махсус видеофильмлар намойиш этиб бориш.	мудирлари, ходимлар бўлими бошлиғи	
20	ТТА ва ТТА клиникасига ишга қабул қилишда ошкораликни таъминлаш, номзодларни танлов асосида ишга қабул қилиш, кадрларни жой-жойига қўйиш ва лавозимини оширишда коррупция ҳолатлари содир бўлишини олдини олиш.	ТТА ректори, проректорлар, ТТА кўп тармоқли клиника бош шифокори, кафедра мудирлари, ходимлар бўлими бошлиғи	Йил давомида
21	Ходимлар меҳнатига ойлик иш ҳақ тўланиши учун табелни тўғри расмийлаштириш, ишга келиб кетишларини назорат қилиниши.	Ходимлар бўлими бошлиғи, факультет деканлари, бўлим бошлиқлари	Йил давомида
22	Гуруҳларда ўтиладиган “Ахборот соатлари”, “Мураббийлик соатлари” ва “Маънавият кунлари” тадбирларида коррупцияга қарши курашга оид мавзуларни тарғибот қилиш.	Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими, деканлар, ижтимоий фанлар кафедраси мудир	Йил давомида
23	Талабалар орасида “ Сиз қонунни биласизми”, “ Конституция билимдони” ва шу каби бошқа танловлар ўтказиш.	Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими, деканлар, ижтимоий фанлар кафедраси мудир	Декабр оyi
24	ТТА сайти, фейсбук, телеграмм каналлари орқали ТТАнинг ишонч телефонлари: 781507825, 781507803 ҳамда ректор, проректор, факультет деканлари, ТТА клиникаси директор ва ўринбосарларининг телефон рақамларини киритиш.	Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими.	Сентябр оyi
25	Академиянинг молиявий харажатларини ошкоралигини таъминлаш мақсадида ҳар кварталда академия Илмий Кенгашида, ректорат йиғилишида молиявий харажатлар тўғрисида ахборот бериш ва ҳар йили бир марта тўлиғича ҳисоботни муҳокама қилиб бориш.	Ишлар бошқармаси бошлиғи, бош бухгалтер	Сентябр, октябр, декабр
26	Академияга олинган моддий бойликларни ишчи ҳолатда сақлаш, ундан самарали фойдаланиш, талон тарожликка йўл қўймаслик учун ишчи гуруҳ тузиш, муҳокама қилиш ва талон тарожликга йўл қўйган моддий жавобгарларга тегишли чоралар белгилаш.	Ишлар бошқармаси бошлиғи, бош бухгалтер	Декабр ва йил давомида



27	Талабаларга тайинланаётган стипендияларни нотўғри ҳисобланиши олдини олиш мақсадида ҳар сафар декан муовинлари (қайднома ва буйруқ) ва бухгалтерия ходимлари (буйруқ ва ведомость) асосида кунт билан ўрганиб чиқишлари зарур.	Ўқув ишлари бўйича проректор, Ишлар бошқармаси бошлиғи, бош бухгалтер, факультет деканларининг муовинлари	Йил давомида
----	--	---	--------------

Ўшлар билан ишлаш бўйича проректор



Т.А. Бобомуратов